



International
Labour
Organization

► Кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларацияси



Олтинчи нашр-2022 йил



International
Labour
Organization

► **Кўп миллатли корхоналар ва
ижтимоий сиёсатга оид
тамойилларнинг уч томонлама
декларацияси**

© Халқаро меҳнат ташкилоти, 2022 йил
Олтинчи нашр, 2022

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) нашрлари муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Умумжаҳон конвенциянинг 2-сонли баённомасига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясидан фойдаланади. Бироқ, улардан қисқача кўчирмалар, агар манба кўрсатилган бўлса, рухсатсиз қайта нашр этилиши мумкин. Қайта чоп этиш ёки таржима қилиш ҳуқуқига оид сўровлар Нашрлар бўлимига (Ҳуқуқлар ва рухсатномалар), Халқаро меҳнат бюросига, СН-1211, Женева 22, Швейцарияга ёки rights@ilo.org электрон почта манзилига юборилиши керак. ХМТ бундай аризаларни мамнуният билан қабул қилади.

Кутубхоналар, муассасалар ва нусха кўчириш ҳуқуқи эгалари сифатида рўйхатга олинган бошқа фойдаланувчилар ушбу мақсадда ўзларига берилган лицензияларга мувофиқ нусхаларини чоп этишлари мумкин. Мамлакатингиздаги қайта чоп этиш ҳуқуқларига эга ваколатли органни топиш учун www.ifrro.org веб саҳифасига ташриф буюринг.

ISBN 978-92-2-038599-9 (print)
ISBN 978-92-2-038600-2 (Web pdf)

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти амалиётига мос келадиган ХМТ нашрларида қўлланиладиган номлар ва улардаги материалларнинг тақдими ХМТнинг бирон бир мамлакат, майдон ёки ҳудуднинг ёки унинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ёки уларнинг чегараларини делимитация қилиш тўғрисида ҳеч қандай фикр билдирмайди.

Имзоланган мақолалар, тадқиқотлар ва бошқа материалларда билдирилган фикрлар фақат уларнинг муаллифлари зиммасига юкланади ва уларнинг нашр этилиши ХМТ томонидан уларда билдирилган фикрларни маъқуллашини англатмайди. Фирмалар ва тижорат маҳсулотлари ва жараёнларининг номларини эслатиб ўтиш уларнинг ХМТ томонидан тасдиқланишини англатмайди, шунингдек, маълум бир компания, тижорат маҳсулоти ёки жараёни ҳақида сўз юритилмаслиги уларга нисбатан норозиликни билдирмайди.

ХМТ нашрлари ва рақамли маҳсулотлар ҳақида маълумотни қуйидаги манзилда олишингиз мумкин: www.ilo.org/publns.

Швейцарияда чоп этилган.

Мундарижа

	Бет
Кириш.....	5
Кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларацияси.....	7
Мақсад ва қўлланилиш соҳаси	8
Умумий сиёсат	10
Бандлик.....	12
Касбий тайёргарлик.....	16
Меҳнат ва яшаш шароитлари.....	17
Меҳнат муносабатлари	19

Иловалар

I. Меҳнат тўғрисидаги декларациялар, халқаро конвенциялар, Кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларациясига тегишли амалий қоидалар тўпламлари, кўрсатмалари ва бошқа қўлланмалари рўйхати	23
II. Операцион воситалар	26

► Кириш

Кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларациясида (бундан буён матнда “КМК Декларацияси”) белгиланган тамойиллар кўп миллатли корхоналар, ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотларига бандлик, касбий тайёргарлик, меҳнат ва яшаш шароитлари, муносабатлар каби масалалар бўйича тавсиялар беради. Ушбу қўлланма асосан халқаро меҳнат конвенциялари ва тавсияларида кўзда тутилган тамойилларга асосланади. Шунингдек, у ХМТнинг меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги 1998 йили қабул қилинган (2022 йила ўзгаришлар киритилган) барча учун муносиб меҳнат мақсадига эришишга ҳисса қўшадиган энг муҳим декларация сифатида кенг тан олинган Декларациясига асосланади. I-иловада КМК Декларациясига тегишли халқаро меҳнат конвенциялари ва тавсиялари рўйхати келтирилган.

Кўп миллатли корхоналар ижтимоий-иқтисодий глобаллашув жараёнида муҳим рол ўйнашда давом этмоқда, бу эса КМК Декларацияси тамойилларини тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва савдо, шунингдек глобал таъминот занжирларидан фойдаланиш шароитида қўллашни муҳим ва зарур қилади. Манфаатдор томонлар КМК Декларацияси тамойилларини 2030 йил барқарор ривожланиш кун тартибида эътироф этилган умумий мақсад сифатида ҳамма учун муносиб меҳнат манфаатлари йўлида кўп миллатли корхоналар фаолияти ва бошқарув тизимларининг ижобий ижтимоий ва меҳнат таъсирини оширишга қаратилган тавсиянома сифатида қўллаш имкониятига эга. Ушбу тавсиялар, шунингдек, ҳукуматлар ҳам, компаниялар ҳам мустақил равишда енгиб олмайдиган кўплаб муаммоларни бартараф этиш, шу жумладан, халқаро ҳамкорлик соҳасидаги кўп томонлама шериклик ва ташаббусларни ривожлантириш манфаатларида ҳам қўлланилиши мумкин.

Ушбу ҳужжат резонансли ва жуда мураккаб фаолият соҳасидаги ижтимоий сиёсат масалалари бўйича тавсияларни ўз ичига олади. КМК Декларацияси қоидаларини барча манфаатдор томонлар томонидан амалга оширилиши муносиб меҳнат, инклюзив иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш учун янада қулай иқлимни яратишга ёрдам беради. Уларнинг барчаси КМК Декларацияси тамойилларини қўллашга даъват этилади. Декларация тамойилларини барча тарафлар томонидан қабул қилинишини рағбатлантириш учун, Халқаро меҳнат бюросини Маъмурий кенгаши II-иловада келтирилган операцион воситаларни тасдиқлади.

Кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларацияси

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ўзининг ноёб уч томонлама тузилиши, малакаси ва ижтимоий соҳадаги узоқ муддатли тажрибаси билан ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари, ва кўп миллатли корхоналарнинг ўзларини бошқариш учун кўрсатма бўлиб хизмат қиладиган тамойилларни ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнайди

Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий кенгаши 204-сессияда (1977 йил ноябр) кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларациясини тасдиқлади ва кейинчалик 279-сессияда (2000 йил ноябр) ва 295-сессияда (2006 йил март) унга ўзгартириш киритди.

329-сессия давомида (2017 йил март) Маъмурий кенгаш Декларация матнига 2006 йилдаги аввалги янгиланишдан буён ХМТ доирасидаги ўзгаришларни, масалан, Халқаро меҳнат конференцияси (ХМК) томонидан (2008 йилда) қабул қилинган Адолатли глобаллашув учун ижтимоий адолат тўғрисидаги декларациясини, янги халқаро меҳнат стандартларни, барқарор корхоналарни қўллаб-қуватлаш бўйича ХМКнинг хулосаларини (2007) ва Глобал таъминот занжирларида муносиб меҳнат бўйича ХМКнинг хулосаларини (2016), шунингдек *Бизнес ва инсон ҳуқуқлари бўйича асосий тамойилларни: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ҳимоя қилиш, мувофиқликни ва ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш” асосларини амалга ошириш* (2011) ва Декларация учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш кун тартибининг (2015) мақсад ва вазифаларини, шунингдек ривожланишни молиялаштириш бўйича Аддис-Абаба ҳаракатлар кун тартибини (2015), Иқлим ўзгариши бўйича Париж келишувини (2015) ва 2011 йилда қайта кўриб чиқилган *ИХТТнинг кўп миллатли корхоналар учун кўрсатмаларинини* ҳисобга олган ҳолда қўшимча тузатишларни киритишга қарор қилди. Маъмурий кенгаш ўзининг 346-сессиясида (2022-йил октябр-ноябр) ХМТнинг меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллари ва ҳуқуқлари ҳадли асосларига хавфсиз ва соғлом иш муҳитини киритиш тўғрисидаги ХМКнинг резолюцияси қабул қилинганидан сўнг қўшимча тузатишлар киритди. Маъмурий кенгаш КМК Декларацияси деб номланиши мумкин бўлган қуйдаги Кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларациясини тасдиқлайди ва ХМТга аъзо давлатлар ҳукуматларини, манфаатдор иш берувчилар ва ишчилар ташкилотларини ва ўз ҳудудларида фаолият юритадиган кўп миллатли корхоналарни унда мустаҳкамланган тамойилларга риоя қилишга чақиради.

► Мақсад ва қамров

1. Кўп миллатли корхоналар аксарият мамлакатлар иқтисодиётида ва халқаро иқтисодий муносабатларда муҳим рол ўйнайди. Бу ҳукуматлар, шунингдек иш берувчилар ва ходимлар ва уларнинг тегишли ташкилотлари томонидан ортиб бораётган қизиқишни келтириб чиқармоқда. Тўғридан-тўғри хорижий сармоялар, савдо ва бошқа воситалар орқали ушбу корхоналар капитал, технология ва ишчи кучидан янада самарали фойдаланишга кўмаклашиш орқали уларнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакатларга ва мезбон мамлакатларга катта фойда келтириши мумкин. Ҳукуматлар томонидан ишлаб чиқилган барқарор ривожланиш сиёсати доирасида улар шунингдек иқтисодий ва ижтимоий фаровонликка эришиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва уларнинг асосий эҳтиёжларини қондириш, бевосита ёки билвосита иш билан таъминлаш имкониятларини яратиш ва инсон ҳуқуқларининг дунё миқёсида амалга оширилишини таъминлашга, шу жумладан уюшмалар эркинлигига катта хисса қўшиши мумкин. Бошқа томондан, кўп миллатли корхоналар томонидан ўз фаолиятини миллий ҳудуддан ташқарида ташкил этишда эришилган ютуқлар иқтисодий кучнинг концентрациясини суиистеъмол қилишга ва миллий сиёсат мақсадлари ва ишчилар манфаати билан тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, кўп миллатли корхоналарнинг мураккаблиги ва уларнинг турли тузилмалари, операциялари ва сиёсатини аниқ идрок этиш қийинлиги баъзан уларнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакатларда ва мезбон мамлакатларда ёки иккаласида ҳам ташвиш туғдиради.
2. Ушбу Декларациянинг мақсади кўп миллатли корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга қўшадиган ижобий ҳиссасини рағбатлантириш ва барча учун муносиб меҳнатни амалга ошириш, ҳамда уларнинг турли операциялари келтириб чиқарадиган қийинчиликларни минималлаштириш ва ҳал қилишдир.
3. Ушбу мақсад ҳукуматлар томонидан қабул қилинган тегишли қонунлар ва сиёсат, чора-тадбирлар ва ҳаракатлар, шу жумладан меҳнатни бошқариш ва жамоат меҳнат инспекцияси соҳаларида ҳамда барча мамлакатлар ҳукуматлари, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик билан таъминланади.
4. Ижтимоий тараққиёт ва муносиб меҳнатни янада ривожлантириш учун ушбу Декларациянинг тамойиллари кўп миллатли корхоналарнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакатлар ва мезбон мамлакатлар ҳукуматлари, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари ҳамда кўп миллатли корхоналарга чора-тадбирлар ва ҳаракатларни амалга оширишда ва ижтимоий сиёсатларни, шу жумладан ХМТнинг Уставида ва тегишли конвенциялари ва Тавсияномаларида мустаҳкамланган тамойилларга асосланган сиёсатларни қабул қилишда йўл-йўриқ кўрсатишга қаратилган.
5. Ушбу тамойиллар кўп миллатли ва миллий корхоналар ўртасида тенг бўлмаган муносабатни ўрнатиш ёки сақлашга қаратилган эмас. Улар ҳамма учун энг яхши амалиётларни акс эттиради. КМК Декларация тамойиллари кўп миллатли ва миллий корхоналарга тегишли бўлган ҳар бир ҳолатда, иккала гуруҳга, умуман олганда, уларнинг хулқ-атвориға, хусусан, ижтимоий амалиётига оид бир хил талаблар қўйилиши керак.
6. КМК Декларацияси ўз мақсадига хизмат қилиши учун кўп миллатли корхоналарнинг аниқ ҳуқуқий таърифини талаб қилмайди; ушбу банднинг мақсади бундай таърифни бериш эмас, балки Декларацияни тушунишни осонлаштиришдир. Кўп миллатли корхоналарга тўлиқ ёки қисман давлат ёки хусусий мулк бўлган улар жойлашган мамлакат ташқарисидаги ишлаб чиқариш, сотиш, хизматлар ёки бошқа объектларга эгалик қилувчи ёки назорат қилувчи корхоналар киради. Улар катта ёки кичик бўлиши мумкин ва уларнинг штаб-квартираси дунёнинг исталган қисмида жойлашган бўлиши мумкин. Кўп миллатли корхоналар таркибидаги субъектларнинг бир-бирига нисбатан автономлиги даражаси бундай субъектлар ва уларнинг фаолият соҳалари ўртасидаги алоқаларнинг табиатига ва тегишли корхоналарнинг мулкчилик шакллари, катта-кичиклиги, табиати ва фаолият олиб бориш жойларининг хилма-хиллигига қараб бир корхонадан бошқасига жуда катта фарқ қилади.

Агар бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Декларацияда «кўп миллатли корхона» атамаси турли тузилмаларни (бош компанияларни ёки маҳаллий корхоналарни ёки иккаласини ёки умуман ташкилотни) улар ўртасидаги мажбуриятларнинг тақсимланишига кўра белгилаш

учун ишлатилади. Бу шуни англатадики, улар ҳамкорлик қиладилар ва ушбу Декларацияда баён этилган тамойилларга риоя қилишга қўмаклашиш учун бир-бирларига зарур ёрдам кўрсатадилар. Шу муносабат билан, Декларация, шунингдек, кўп миллатли корхоналар кўпинча умумий ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми сифатида бошқа корхоналар билан муносабатлар орқали фаолият юритади ва шу билан ушбу Декларация мақсадларига эришишга ҳисса қўшиши мумкин.

7. Ушбу Декларацияда ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари, шунингдек кўп миллатли корхоналар ихтиёрий равишда риоя қилишлари тавсия этиладиган бандлик, касб-ҳунар таълими, меҳнат ва яшаш шароитлари, шунингдек ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасидаги тамойиллар белгиланган; ушбу тамойиллар ХМТнинг ҳар қандай конвенциясини ратификация қилишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни чекламайди ёки уларга бошқача тарзда таъсир қилмайди.

► Умумий сиёсат

8. КМК Декларациясига тааллуқли барча томонлар давлатларнинг суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари, миллий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилишлари, маҳаллий амалиётни ҳисобга олишлари ва тегишли халқаро стандартларга риоя қилишлари керак. Шунингдек, улар ихтиёрий равишда ўз зиммаларига олган мажбуриятларини миллий қонунчиликка ва қабул қилинган халқаро мажбуриятларга мувофиқ бажаришлари шарт. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (1948) ва уларга кўра сўз эркинлиги ва уюшиш эркинлиги барқарор тараққиёт учун зарур бўлган Халқаро меҳнат ташкилотининг тегишли халқаро пактлари (1966), Устави ва тамойилларига риоя қилишлари керак.
9. Барча томонлар 2022 йилда тузатишлар киритилган меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги 1998 йилдаги ХМТ Декларациясини амалга оширишда иштирок этишлари керак. Барча аъзолар, агар улар тегишли асосий конвенцияларни ратификация қилмаган бўлсалар ҳам, ташкилотга аъзо бўлиш фактидан келиб чиқадиган ушбу конвенцияларнинг предмети бўлган асосий ҳуқуқларга оид тамойилларни ҳурмат қилиш, тарғиб қилиш ва амалга ошириш мажбуриятига эга, яъни: а) уюшмалар эркинлиги ва жамоавий музокаралар ўтказиш ҳуқуқини самарали тан олиш; б) мажбурий меҳнатнинг барча шаклларига барҳам бериш; в) болалар меҳнатини самарали бекор қилиш; г) бандлик ва машғулотлар соҳасида камситишни бартараф этиш; ва д) хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳити. 1998 йилги Декларацияда эътироф этилган меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги конвенцияларни ҳали ратификация қилмаган давлатлар ҳукуматларига буни қилишни қатъий суръатда тавсия қилинади. Кўп миллатли корхоналар ўз фаолияти орқали унинг мақсадларига эришишда катта ҳисса қўшиши мумкин.
10. КМК Декларациясида баён этилган тамойиллар кўп миллатли корхоналарнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакатлардаги ва мезбон мамлакатлардаги ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотларига ҳамда кўп миллатли корхоналарнинг ўзларига тавсия этилади. Шундай қилиб, бу тамойиллар турли иштирокчиларнинг ўзига хос роллари борлигини акс эттиради. Шу муносабат билан, ушбу Декларация мақсадида:
 - а) *Бизнес ва инсон ҳуқуқлари бўйича асосий тамойиллар: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ҳимоя қилиш, мувофиқликни ва ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш» асосларини амалга ошириш* (2011) инсон ҳуқуқлари бўйича давлатлар ва корхоналарнинг тегишли вазифалари ва мажбуриятларини белгилайди. Ушбу тамойиллар қуйидагиларни тан олишга асосланади: i) давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш бўйича мавжуд мажбуриятлари («давлатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бурчи»), ii) олдига амалдаги қонунларга риоя қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш талаблари қўйилган ихтисослашган вазифаларни бажарадиган жамиятнинг ихтисослашган органлари сифатида корхоналарнинг роли («инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича корпоратив маъсулият»), iii) ҳуқуқ ва мажбуриятларни, улар бузилган тақдирда, тегишли ва самарали ҳимоя воситалари билан мустаҳкамлаш зарурати («ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш»).
 - б) қўлланмалар катта-кичиклиги, сектори, фаолият олиб бориш муҳити, мулкчилик ва тузилишидан қатъи назар, барча давлатларга ва кўп миллатли ва бошқа корхоналарга нисбатан қўлланилади.
 - в) инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича корпоратив масъулият корхоналардан, шу жумладан кўп миллатли корхоналардан, улар қаерда фаолият юритишидан қатъий назар қуйидагиларни талаб қилади: i) ўз фаолияти натижасида салбий таъсирларни келтириб чиқармаслик ёки оғирлаштирмаслик ва улар юзага келганда бундай оқибатларни бартараф этиш, ii) уларнинг фаолияти ёки бизнес ҳамкорларининг маҳсулотлари ёки хизматлари билан бевосита боғлиқ бўлган инсон ҳуқуқларига салбий таъсирларнинг олдини олишга ёки юмшатишга ҳаракат қилиш, ҳатто улар ушбу таъсирларни келтириб чиқаришда бевосита иштирок этмаса ҳам.
 - д) корхоналар, шу жумладан кўп миллатли корхоналар, халқаро миқёсда эътироф этилган

инсон ҳуқуқларига, ҳеч бўлмаганда Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро биллда ва ХМТнинг Меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларациясида ифодаланган асосий ҳуқуқлар деб тушинилган ҳуқуқларига ўзларининг ҳақиқий ва потенциал салбий таъсирини аниқлаш, олдини олиш, юмшатиш ва тушунтириш учун лозим даражада эҳтиёткорлик қилиши шарт.

- е) инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ хавфларни баҳолаш учун корхоналар, шу жумладан кўп миллатли корхоналар ўз фаолияти ёки бизнес алоқалари туфайли дахлдор бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳақиқий ёки потенциал инсон ҳуқуқларига салбий таъсирларни аниқлаши ва баҳолаши керак. Ушбу жараён корхона катта-кичиклиги, унинг фаолияти табиати ва шароитларига қараб потенциал таъсирланган гуруҳлар ва бошқа тегишли манфаатдор томонлар, шу жумладан ходимлар ташкилотлари билан мазмунли маслаҳатлашувларни ўз ичига олиши керак. КМК Декларациясининг мақсадига эришиш учун ушбу жараёнда бирлашмалар эркинлиги ва жамоавий музокаралар олиб бориш ҳуқуқи, шунингдек, меҳнатга оид муносабатлар ва доимий жараён сифатидаги ижтимоий мулоқотнинг марказий роли ҳисобга олиниши керак.

11. Кўп миллатли корхоналар ўзлари фаолият юритаётган мамлакатларнинг умумий сиёсат мақсадларини тўлиқ инобатга олишлари керак. Уларнинг фаолияти миллий қонунчиликка ва улар фаолият юритаётган мамлакатнинг ривожланишнинг устувор йўналишлари, ижтимоий мақсадлари ва тузилишига мос келиши керак.

12. Шу мақсадда кўп миллатли корхоналар, ҳукумат ва тегишли ҳолларда иш берувчилар ва ишчиларнинг манфаатдор миллий ташкилотлари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказилиши керак. Мезбон мамлакатлар ҳукуматлари ўз ҳудудларида фаолият юритувчи кўп миллатли корхоналарни ушбу Декларацияга мувофиқ яхши ижтимоий амалиётлардан фойдаланишга ундашлари керак. Кўп миллатли корхоналарнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакатлар ҳукуматлари чет элда фаолият юритаётган кўп миллатли корхоналарни ушбу Декларацияга мувофиқ, мезбон мамлакатлардаги ижтимоий-меҳнат қонунчилиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалиётларни, шунингдек тегишли халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда тегишли ижтимоий амалиётлардан фойдаланишга ундашлари керак. Кўп миллатли корхоналарнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакатларнинг ва мезбон мамлакатларнинг ҳукуматлари, зарурат туғилганда, улардан бирортасининг ташаббуси билан бир-бири билан маслаҳатлашишга тайёр бўлиши керак.

► Бандлик

Бандлика кўмаклашиш

13. Барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантириш, турмуш даражасини яхшилаш, бандлик соҳасидаги талабларни қондириш ва ишсизлик ва тўлиқсиз бандликни бартараф этиш учун ҳукуматлар асосий мақсад сифатида тўлиқ, самарали ва эркин танланадиган бандлик ва муносиб меҳнатни рағбатлантиришга қаратилган фаол сиёсатни эълон қилишлари ва амалга оширишлари керак.
14. Бу, ишсизлик ва тўлиқсиз бандлик муаммолари энг оғир бўлган мезбон мамлакатлар ҳукуматлари учун алоҳида аҳамиятга эга, айниқса, дунёнинг ривожланаётган ҳудудларида. Шу муносабат билан, 2003 йилги Глобал бандлик кун тартиби қоидаларини, барқарор корхоналарни рағбатлантириш бўйича ХМКнинг 2007 йилги хулосасини, 2022 йилда тузатишлар киритилган Глобал иш ўринлари битими (2009) ва Барқарор ривожланиш мақсадларининг 8-чи мақсадини ҳисобга олиш керак.
15. Юқоридаги 13- ва 14-чи бандларга мувофиқ механизм яратилиб, у ёрдамида кўп миллатли корхоналарнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакатлар ва мезбон мамлакатлар кўп миллатли корхоналарнинг бандлика таъсирига тегишли эътибор беради.
16. Кўп миллатли корхоналар, айниқса ривожланаётган мамлакатларда фаолият юритаётган корхоналар, давлатларнинг бандлик сиёсати ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, бандлик имкониятлари ва стандартларини кенгайтиришга, шунингдек бандликнинг барқарорлигини ва узоқ муддатли корхоналарни ривожланишини таъминлашга интилишлари керак.
17. Кўп миллатли корхоналар ўз фаолиятини бошлашдан олдин, зарур ҳолларда ваколатли органлар ва миллий иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари билан ўзларининг бандлик режаларини, иложи борица, миллий ижтимоий ривожланиш сиёсати билан уйғунлаштириш мақсадида маслаҳатлашишлари керак. Бундай маслаҳатлашувлар, миллий корхоналар билан бўлгани каби, кўп миллатли корхоналар ва барча манфаатдор томонлар, шу жумладан ишчилар ташкилотлари ўртасида давом этиши керак.
18. Кўп миллатли корхоналар барча даражаларда тегишли равишда улар ёллаган ишчиларни вакиллари ёки ушбу ишчиларнинг ташкилотлари ва давлат органлари билан ҳамкорликда мезбон мамлакат фуқароларини иш билан таъминлаш, касбий ривожланиш, рағбатлантириш ва юксалтиришга устувор аҳамият беришлари керак.
19. Ривожланаётган мамлакатларга сармоя киритишда кўп миллатли корхоналар тўғридан-тўғри ёки билвосита иш ўринларини яратадиган технологиялардан фойдаланиш муҳимлигини ҳисобга олишлари керак. Агар ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятлари ва иқтисодиётнинг тегишли тармоғида мавжуд бўлган шароитлар бунга имкон берса, улар технологияларни мезбон мамлакатларнинг эҳтиёжлари ва хусусиятларига мослаштириши керак. Иложи борица улар мезбон мамлакатларда тегишли технологияларни ишлаб чиқишда иштирок этишлари керак.
20. Жаҳон иқтисодиёти кенгайиб бораётган бир пайтда ривожланаётган мамлакатларда бандликни ривожлантириш учун кўп миллатли корхоналар, иложи борица, миллий корхоналар билан бутловчи қисмлар ва ускуналар ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузиш имкониятларини, маҳаллий хом ашёлардан фойдаланишни ва хом ашёларни маҳаллий қайта ишлашни босқичма-босқич тарғиб қилишни кўриб чиқишлари керак. Бундай шартномалар кўп миллатли корхоналар томонидан ушбу Декларацияда мустақамланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш учун фойдаланмаслиги керак.
21. Ҳукуматлар норасмий иқтисодиётда муносиб иш танқислиги энг кўп намоён бўлишини тан олиб, расмий иқтисодиётга ўтишни осонлаштирадиган кенг қамровли сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак. Кўп миллатли ва бошқа корхоналар ҳам ушбу мақсадга эришиш учун ҳаракат қилишлари керак.

Ижтимоий таъминот

- 22.** Ҳукуматлар, тегишли ҳолатларда, миллий ижтимоий таъминот тизимларининг асосий элементи сифатида ижтимоий таъминотнинг минимал даражасини белгилашлари ва сақлашлари ва ижтимоий таъминот даражасини изчил равишда оширишга имкон берадиган ижтимоий таъминот қамровини кенгайтириш стратегиясига ижтимоий таъминотнинг минимал даражасини киритишлари керак. Ушбу сиёсатни илгари суришда ижтимоий шериклар рол ўйнаши мумкин. Кўп миллатли ва бошқа корхоналар ҳукуматларнинг ижтимоий таъминот тизимларини тўлдириши ва уларнинг кейинги ривожланишини рағбатлантириши мумкин, шу жумладан ўзларининг иш берувчилар ҳомийлигидаги дастурлари орқали.

Мажбурий меҳнатга барҳам бериш

- 23.** Ҳукуматлар мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш, жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етқазилган зарарни қоплаш ва реабилитация қилиш каби тегишли ва самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича самарали чоралар кўриши, шунингдек мажбурий меҳнатдан фойдаланганликда айбдор шахсларни жазолаши керак. Ҳукуматлар иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари билан маслаҳатлашувлар асосида миллий сиёсат ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиши керак. Бу ваколатли органлар томонидан, ва тегишли равишда, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари, шунингдек тегишли бошқа гуруҳлар билан келишилган ҳолда тизимли ҳаракатларни ўз ичига олади.
- 24.** Мажбурий меҳнатни олдини олиш мақсадида ҳукуматлар иш берувчилар ва корхоналарга ўз операцияларида ёки маҳсулотларида, хизматларида ёки улар бевосита боғлиқ бўлиши мумкин бўлган операцияларда мажбурий меҳнат ҳавфини аниқлаш, олдини олиш, оқибатларини юмшатиш самарали чораларни кўришда раҳбарлик ва ёрдам кўрсатиши керак.
- 25.** Кўп миллатли ва миллий корхоналар ўз фаолиятида мажбурий меҳнатни тақиқлаш ва бартараф этиш бўйича ўз ваколатлари доирасида шошилинч ва самарали чораларни кўришлари керак.

Болалар меҳнатини самарали бартараф этиш: бандлик учун минимал ёш ва болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари

- 26.** Ҳукуматлар болалар меҳнатини самарали тугатишга қаратилган миллий сиёсатни ишлаб чиқиш, болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва бартараф этиш бўйича шошилинч ва самарали чоралар кўришлари ҳамда ишга жойлашиш учун энг кам ёшни ёшларнинг тўлиқ жисмоний ва ақлий ривожланишига мос келадиган даражага босқичма-босқич оширишлари керак.
- 27.** Кўп миллатли корхоналар, шунингдек, миллий корхоналар ўз фаолиятида болалар меҳнатини самарали бартараф этишни таъминлаш учун ишга жойлашиш учун минимал ёш талабларига риоя этишлари ҳамда болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва бартараф этиш бўйича ўз ваколатлари доирасида зудлик билан ва самарали чоралар кўришлари шарт.

Имкониятлар ва муомала тенглиги

- 28.** Ҳукуматлар ирқи, тана ранги, жинси, дини, сиёсий қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишига кўра ҳар қандай камситишларга барҳам бериш мақсадида ишга жойлашишда имкониятлар ва муомала тенглигини таъминлашга қаратилган сиёсат юритиши керак.
- 29.** Ҳукуматлар тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл ишчиларга тенг ҳақ тўлаш тамойилини қўллашни рағбатлантиришлари керак.
- 30.** Кўп миллатли корхоналар 18-бандда кўзда тутилган чора-тадбирларга ёки камситишнинг тарихий шакллари бартараф этишга ўтишга ва шу орқали меҳнат соҳасида тенг имкониятлар ва тенг муомалани кенгайтиришга қаратилган давлат сиёсатига зиён етказмаган ҳолда, ўзларининг барча фаолиятида камситишларга йўл қўймаслик тамойилига амал қилишлари шарт. Шунга кўра, кўп миллатли корхоналар барча даражадаги ходимларни ёллаш, тайинлаш, касбий тайёргарликни таъминлаш ва хизмат поғоналари бўйича

кўтарилишда уларнинг малакаси, касбий маҳорати ва тажрибасини биринчи ўринга қўйиши керак.

31. Ҳукуматлар ҳеч қачон кўп миллатли корхоналарни 28-бандда кўрсатилган асослар бўйича камситишни талаб қилмаслиги ёки рағбатлантирмаслиги керак; ҳукуматлар, мақбул бўлганда, бандлик соҳасида бундай камситишларнинг олдини олиш учун йўлбошчилик қилиши даъват этилади.

Бандлик барқарорлиги

32. Ҳукуматлар кўп миллатли корхоналарнинг турли соҳаларда бандликка таъсирини синчковлик билан таҳлил қилишлари керак. Ҳукуматлар, шунингдек кўп миллатли корхоналарнинг ўзлари кўп миллатли корхоналарнинг бандлик ва меҳнат бозорига таъсирини кузатиш учун тегишли чораларни кўришлари керак.
33. Кўп миллатли ва миллий корхоналар бандликни фаол режалаштириш орқали ҳар бир корхонада ишлайдиган ишчиларнинг барқарор бандлигини таъминлашга интилиши ва бандлик барқарорлиги ва ижтимоий таъминот билан боғлиқ эркин музокаралар натижалари асосида қабул қилинган мажбуриятларга риоя қилиши шарт. Кўп миллатли корхоналар эга бўлиши мумкин бўлган мослашувчанлик туфайли, улар бандлик кафолатини таъминлашда етакчи ролини ўз зиммаларига олишга интилишлари керак, айниқса уларнинг фаолияти тугатилиши узоқ муддатли ишсизликни кучайтириши мумкин бўлган мамлакатларда.
34. Ўз фаолиятида (шу жумладан қўшиб олиш, сотиб олиш ёки ишлаб чиқаришни бошқа жойга кўчириш) бандлик учун жиддий оқибатларга олиб келадиган ўзгаришларни амалга ошириш ниятини кўзлаган кўп миллатли корхоналар тегишли давлат органларини ва ўзлари ишга ёллаган ходимларнинг вакилларини ва уларнинг ташкилотларини бундай ўзгаришлар тўғрисида олдиндан хабардор қилишлари керак. Бунда асосий мақсад улар билан биргаликда ушбу ўзгаришларнинг таъсирини муҳокама қилиш ва шу билан уларнинг салбий таъсирини максимал даражада юмшатиш. Бу, айниқса, ишчилар жамоасини вақтинча ёки доимий равишда ишдан бўшатиш билан боғлиқ корхона ёпилган тақдирда жуда муҳимдир.
35. Ўзбошимчалик билан ишдан бўшатиш тартиб-қоидаларига йўл қўймаслик керак.
36. Ҳукуматлар кўп миллатли ва миллий корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат муносабатлари тўхтатилган ишчилар учун даромадларни ҳимоя қилишнинг бирон бир шаклини таъминлаши керак.

► Касбий тайёргарлик

37. Ҳукуматлар барча манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда бандлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган касб-ҳунар таълими ва касбга йўналтириш бўйича миллий сиёсатни ишлаб чиқишлари керак. Айнан шу асосда кўп миллатли корхоналар касбга ўқитиш сиёсатини амалга оширишлари керак.
38. Ўз фаолиятида кўп миллатли корхоналар мезбон мамлакатда ўзлари ёллаган барча даражадаги ходимларга, тегишли ҳолларда, корхона эҳтиёжларига ва мамлакатни ривожлантириш сиёсатига жавоб берадиган тегишли касбга ўқитиш имкониятлари яратилишини таъминлашлари керак. Бундай ўқитиш, имкон қадар, умумий фойдали кўникмаларни ривожлантириши ва хизматда кўтарилиш ва бутун умр давомида ўқитиш имкониятларини ривожлантириши керак. Бу масъулият, тегишли ҳолатларда, давлат ҳокимияти органлари, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари ва ваколатли маҳаллий, миллий ёки халқаро институтлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши керак.
39. Ривожланаётган мамлакатларда фаолият юритувчи кўп миллатли корхоналар миллий корхоналар билан бир қаторда мезбон ҳукуматлар томонидан рағбатлантириладиган ва иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурларда, жумладан, махсус фондларда иштирок этишлари керак. Ушбу дастурлар касбий маҳоратни шакллантириш, бутун умр давомида таълим олиш ва ривожланиш, шунингдек, касб-ҳунарга йўналтириш хизматларини кўрсатишга қаратилган бўлиши керак; уларни қўллаб-қувватловчи томонлар биргаликда бошқариши керак. Амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолларда кўп миллатли корхоналар миллий тараққиётга ҳисса сифатида ҳукумат ҳомийлигидаги касбий тайёрлаш дастурларига ёрдам бериш учун ўз ихтиёрида бўлган малакали экспертлар хизматларини тақдим қилиши керак.
40. Кўп миллатли корхоналар ҳукуматлар билан ҳамкорликда ва корхонанинг самарали фаолиятига мос келадиган даражада, меҳнатга оид муносабатлари каби тегишли соҳаларда маҳаллий раҳбарларни тажрибасини ошириш учун бутун корхона доирасида имкониятлар яратиши керак.

► Меҳнат ва яшаш шароитлари

Иш ҳақи, нафақалар ва меҳнат шароитлари

41. Кўп миллатли корхоналар ўз фаолиятининг барча йўналишлари бўйича таклиф қиладиган иш ҳақи, нафақалар ва меҳнат шароитлари ишчилар учун мезбон мамлакатдаги таққосланадиган иш берувчилар томонидан тақлиф қилингандан кам бўлмаслиги керак. Агар таққосланадиган иш берувчилар мавжуд бўлмаса, улар энг яхши иш ҳақи, нафақалар ва иш шароитларини таъминлаши керак. Кўриб чиқилиши керак бўлган элементлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: а) мамлакатдаги иш ҳақининг умумий даражасини, яшаш қийматини, ижтимоий нафақаларни ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг нисбий ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда ишчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжлари, б) иқтисодий омиллар, шу жумладан иқтисодий ривожланиш талаблари, маҳсулдорлик даражаси ва юқори бандлик даражасига эришиш ва уни сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлиги. Агар иш берувчи ишчиларни уй-жой, тиббий ёрдам ёки озиқ-овқат каби асосий қулайликлар билан таъминласа, бу қулайликлар яхши стандартларга эга бўлиши керак.
42. Ҳукуматлар, айниқса ривожланаётган мамлакатларда, кам даромадли гуруҳлар ва кам ривожланган ҳудудлар кўп миллатли корхоналар фаолиятдан имкон қадар кўпроқ фойда олишларини таъминлаш учун тегишли чораларни кўришга ҳаракат қилишлари керак.

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси

43. Ҳукуматлар кўп миллатли ва миллий корхоналарнинг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасининг адекват стандартларини таъминлашини ва хавфсиз ва соғлом иш муҳитини доимий равишда шакллантириб, корхоналарда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасининг профилактик маданиятини ривожлантиришга хисса қўшиши керак. Бу аёллар ва эркакларга нисбатан иш жойидаги зўравонликка қарши курашиши чораларини ва қурилиш хавфсизлигига эътиборни ўз ичига олади. Тегишли халқаро меҳнат стандартлари, шу жумладан касбий касалликлар рўйхати, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ХМТнинг нашрларининг амалдаги рўйхатидаги ХМТнинг амалиёт кодекслари ва йўриқномалари ҳам ҳисобга олиниши керак. Бахтсиз ҳодиса ёки касаллик натижасида жабрланган ишчиларга компенсация тўланиши керак.
44. Кўп миллатли корхоналар бутун корхона доирасида тўпланган тегишли тажрибани, шу жумладан махсус хавф омиллари ҳақидаги ҳар қандай билимларни ҳисобга олган ҳолда миллий талабларга жавоб берадиган меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасининг энг юқори стандартларини сақлаб туришлари керак. Улар, шунингдек, улар фаолият юритаётган барча мамлакатлардаги ишчилар вакиллари ва, сўров бўйича, ваколатли органларга ва ишчилар ва иш берувчилар ташкилотларига бошқа мамлакатларда риоя қиладиган улар бошқараётган маҳаллий корхоналарда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси стандартлари ҳақида маълумот тақдим этишлари керак. Хусусан, улар манфаатдор томонларни янги маҳсулотлар ва жараёнлар билан боғлиқ бўлган махсус хавф омиллари ва тегишли ҳимоя чоралари тўғрисида хабардор қилишлари керак. Кўп миллатли корхоналар, шунингдек улар билан таққосланадиган миллий корхоналар саноатда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси учун хавфларнинг сабабларини ўрганишда ва таҳлил натижасида олинган такомиллаштирилган усулларни бутун корхона доирасида қўллашда етакчи рол ўйнаши кутилмоқда.

45. Кўп миллатли корхоналар меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасида халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ ишларида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишлари керак.
46. Миллий амалиётга мувофиқ, кўп миллатли корхоналар меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича масъул бўлган ваколатли органлар, ишчилар вакиллари ва уларнинг ташкилотлари ва меҳнат хавфсизлиги ва гигиена масалалари билан шуғулланадиган нуфузли ташкилотлар билан тўлиқ ҳамкорлик қилишлари керак. Тегишли ҳолларда, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид масалалар ходимлар вакиллари ва уларнинг ташкилотлари билан тузилган шартномаларга киритилиши керак.

► Меҳнатга оид муносабатлар

47. Кўп миллатли корхоналар ўз фаолиятларининг барча соҳаларида меҳнатга оид муносабатлари нормаларига риоя қилишлари шарт.

Уюшмалар эркинлиги ва уюшиш ҳуқуқи

48. Кўп миллатли корхоналарда, шунингдек миллий корхоналарда ишлайдиган ходимлар, ҳеч қандай фарқсиз, олдиндан рухсатсиз, ташкилот тузиш ва ўз уставларига бўйсунининг ягона шarti билан ўзлари танлаган ташкилотларга қўшилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Шунингдек, улар ўзларининг меҳнат фаолияти билан боғлиқ касаба уюшмаларига қарши камситиш ҳаракатларидан муносиб ҳимояланишлари керак.
49. Кўп миллатли корхоналарни ёки улар томонидан ёлланган ходимларни манфаатларини ифодаловчи ташкилотлар бир-бирининг ёки бир-бирининг агентлари ёки аъзоларининг уларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш ёки бошқаришда ҳар қандай аралашув ҳаракатларидан етарли даражада ҳимоядан фойдаланиши керак.
50. Тегишли ҳолларда ва маҳаллий шароитга мувофиқ, кўп миллатли корхоналар иш берувчиларнинг вакиллик ташкилотларини қўллаб-қувватлашлари керак.
51. Кўп миллатли корхоналарга нисбатан бундай корхоналарни манфаатларини ифодаловчи ташкилотларга ёки улар томонидан ёллаган ишчиларга ўзлари танлаган халқаро иш берувчилар ва ишчиларнинг ташкилотларига аъзо бўлишларига рухсат берилишни муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, 1948 йилги Конвенциянинг 5-моддасида (№ 87) уюшмалар эркинлиги ва уюшиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги тамойилларни ҳали қўлламаган ҳукуматларга шундай қилишлари қатъий суръатда тавсия этилади.
52. Мезбон мамлакатлар ҳукуматлари хорижий сармояларни жалб қилиш учун махсус имтиёзларни таклиф қилган тақдирда, бу имтиёзлар ишчиларнинг уюшиш эркинлиги ёки жамоавий равишда ташкил топишига ва музокаралар олиб бориш ҳуқуқларини чекламаслиги керак.
53. Кўп миллатли ва миллий корхоналар ходимларининг вакилларига маслаҳатлашувлар ёки фикр алмашиш учун учрашувлар ташкил этишга, бу корхона фаолиятига ва ходимлар вакиллари ва уларнинг ташкилотлари билан муносабатларни тартибга солиш стандарт процедураларга зарар етказмаса, тўсқинлик қилмаслик керак.
54. Ҳукуматлар ўзаро манфаатли масалалар бўйича маслаҳатлашиш учун тегишли маҳаллий ёки миллий ташкилотларнинг таклифига биноан бошқа мамлакатлардан келаётган иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари вакиллариининг мамлакатга киришини фақат шу сифатда мамлакатга киришни ният қилганликлари сабабли чекламаслиги керак.

Жамоавий музокаралар

55. Кўп миллатли корхоналарда ишлайдиган ходимлар миллий қонунчилик ва амалиётга мувофиқ жамоавий музокаралар олиб бориш мақсадида тан олинган вакиллик ташкилотларни танлаш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.
56. Жамоавий шартномалар орқали бандлик шартларини тартибга солиш мақсадида иш берувчилар ёки иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари ўртасида ихтиёрий музокаралар механизмини шакллантириш ва ундан тўлиқ фойдаланишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун миллий шароитларга мос чоралар кўриш керак.
57. Кўп миллатли корхоналар, миллий корхоналар каби, ишчилар вакилларига самарали жамоавий шартномаларни ишлаб чиқишда ёрдам берадиган зарур имкониятлар ва воситаларни тақдим этишлари керак.
58. Кўп миллатли корхоналар ўзлари фаолият юритаётган ҳар бир мамлакатда ўз ходимларининг тегишли ваколатли вакилларига музокаралар кун тартибидаги масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган корхона маъмурияти вакиллари билан музокаралар олиб бориш имкониятини яратишлари керак.
59. Ишчилар вакиллари билан меҳнат шароитлари тўғрисида виждонан музокаралар олиб чоғида ёки ишчилар ўзларининг уюшиш ҳуқуқини амалга ошираётган пайтда, кўп миллатли

корхоналар музокараларга адолатсиз таъсир кўрсатиш ва уюштириш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида ўзларининг операцион бўлинмаларининг тўлиқ ёки бир қисмини бошқа ерга кўчиришга қодир эканликлари билан таҳдид қилмасликлари керак; шунингдек, улар ишчилар вакиллари билан виждонан музокараларга путур етказиш ёки ишчиларнинг уюштириш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида хорижий давлатлардаги ўз филиалларидан ишчиларни бошқа давлатларга кўчирмасликлари керак.

60. Жамоавий шартномаларда ушбу шартномаларни талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги қоидалар, шунингдек томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзаро ҳурмат қилишни таъминлаш тўғрисидаги қоидалар бўлиши керак.
61. Кўп миллатли корхоналар ишчилар вакилларига тегишли бўлинма билан мазмунли музокаралар олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этишлари ва, агар бу маҳаллий қонунлар ва амалиётларга мувофиқ бўлса, улар ишчилар вакилларига бу тузилмалар ёки, тегишли ҳолларда, бутун корхона бўйича реал ва холис фикр шакллантириш имконини берувчи маълумотларни тақдим этишлари керак.
62. Қонунчилик ва амалиёт бунга рухсат берган ҳолларда, ҳукуматлар ишчилар ташкилотлари вакилларининг сўрови бўйича жамоавий музокаралар жараёнида объектив мезонларни белгилашга ёрдам берадиган корхона фаолият юритаётган тармоқлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши керак. Шу муносабат билан, кўп миллатли корхоналар, шунингдек, миллий корхоналар ҳукуматларнинг ўз фаолияти тўғрисида тегишли маълумот тақдим этишга оид сўровларига конструктив жавоб беришлари керак.

Маслаҳатлашувлар

63. Кўп миллатли шунингдек миллий корхоналарда иш берувчилар ва ишчилар ва уларнинг вакиллари ўртасидаги ўзаро келишув асосида ташкил этилган механизмлар миллий қонунчилик ва амалиётга мувофиқ ўзаро манфаатли масалалар бўйича мунтазам маслаҳатлашувларни кўзда тутиши керак. Бундай маслаҳатлашувлар жамоавий музокараларни ўрнини босмаслиги керак.

Ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва шикоятларни кўриб чиқиш

64. Инсон ҳуқуқларини тадбиркорлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш бўйича ўз масъулиятларининг бир қисми сифатида ҳукуматлар бундай ҳуқуқбузарликлар уларнинг ҳудуди ва/ёки юрисдикциясида содир бўлганда ҳар қандай жабрланган ишчи ёки ишчиларга суд, маъмурий, қонунчилик ёки бошқа тегишли воситалар орқали самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак.
65. Кўп миллатли корхоналар ўз бизнес ҳамкорларини халқаро миқёсда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари бузилишига қарши самарали воситаларни таъминлашга ундаш мақсадида ўзларида мавжуд воситалардан фойдаланишлари керак.
66. Кўп миллатли корхоналар, шунингдек, миллий корхоналар ўзлари ёллаган ишчиларнинг барча шикоятларини қуйидаги қоидага мувофиқ кўриб чиқиш ҳуқуқини ҳурмат қилишлари шарт: шикоят қилиш учун асослари бор деб ҳисоблаган якка тартибда ёки бошқа ходимлар билан ҳамкорликда ҳаракат қилаётган ҳар қандай ходим натижада ҳеч қандай зарар кўрмасдан, бундай шикоят қилиш ва тегишли тартиб-қоидага мувофиқ бундай шикоятни кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу, айниқса, кўп миллати корхоналар ХМТ конвенцияларида мустаҳкамланган уюшмалар эркинлиги, уюшиш ва жамоавий музокаралар олиб бориш ҳуқуқи, шунингдек, камситиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш ҳамда хавфсиз ва соғлом ишлаб чиқариш муҳитини яратиш билан боғлиқ тамойилларга риоя қилмайдиган мамлакатларда фаолият юритаётганда жуда муҳимдир.

Меҳнат низоларини ҳал қилиш

67. Ҳукуматлар иш берувчилар ва ишчилар ўртасидаги меҳнат низоларининг олдини олиш ва ҳал қилишда ёрдам берадиган миллий шароитларга мос келадиган ихтиёрий яраштириш ва артибраж механизмлари мавжудлигини таъминлаши керак. Бу жараён бепул ва тезкор бўлиши керак.
68. Кўп миллатли корхоналар, шунингдек миллий корхоналар ўз ишчиларининг вакиллари ва ташкилотлари билан биргаликда иш берувчилар ва ишчилар ўртасидаги меҳнат низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилишни осонлаштириш учун ихтиёрий арбитраж тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олиши мумкин бўлган миллий шароитларга мос келадиган ихтиёрий яраштириш механизмларини яратишга ҳаракат қилишлари керак. Ихтиёрий яраштириш механизмида иш берувчилар ва ишчиларнинг тенг миқдордаги вакиллари иштирок этишлари керак.

► I илова

Декларациялар, халқаро меҳнатга оид конвенциялар ва тавсиялар, амалий қоидалар тўпламлари, қўлланмалар ва бошқа Кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларациясига оид йўриқномалар рўйхати

A. ХМТ декларациялари

- ХМТнинг Меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги Декларацияси (1998), (2022-йилда киритилган тузатишлар билан)
- ХМТнинг Адолатли глобаллашув мақсадида ижтимоий адолат тўғрисидаги Декларацияси (2008), (2022-йилда киритилган тузатишлар билан)

B. Меҳнатга оид халқаро конвенциялари ва тавсиялари

Мажбурий меҳнат	• Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги 29-сонли Конвенция ва унинг 2014 йилги Протоколи; Билвосита мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги 35-сонли Тавсия • Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги 105-сонли Конвенция • Мажбурий меҳнат бўйича 2014 йилги 203-сонли Тавсия (қўшимча қоидалар)
Болалар меҳнати	• Минимал ёш бўйича 1973 йилги 138-сонли Конвенция ва 146-сонли Тавсия • Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги 182-сонли Конвенция ва 190-сонли Тавсия
Камситишга йўл қўймаслик	• Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги 100-сонли Конвенция ва 90-сонли Тавсия • Бандлик ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисидаги 1958 йилги 111-сонли Конвенция ва 111-сонли Тавсия
Уюшмалар эркинлиги ва жамоавий музокаралар	• Бирлашмалар эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1948 йилги 87-сонли Конвенция • Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-сонли конвенция Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги 154-сонли Конвенция ва 163-сонли Тавсия
Хавфсиз ва соғлом иш муҳити	• Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 1981 йилги 155-сонли Конвенция ва 164-сонли Тавсия • Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасининг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги 2006 йилги 187-сонли Конвенция ва 197-сонли Тавсия

Меҳнатга оид муносабатлар	• Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги 135-сонли Конвенция • Ихтиёрий яраштириш ва арбитраж бўйича 1951 йилги 92-сонли Тавсия • Корхона даражасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги 1952 йилги 94-сонли Тавсия • Корхона муносабатлари бўйича 1967 йилги 129-сонли Тавсия • Шикоятларни кўриб чиқиш бўйича 1967 йилги 130-сонли Тавсия
Бандликка қўмаклашиш	• Бандлик сиёсати ҳақидаги 1966 йилги 122-сонли Конвенция ва 122-сонли Тавсия • Бандликка қўмаклашиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1988 йилги 168-сонли Конвенция ва 176-сонли Тавсия • Бандлик сиёсати бўйича 1984 йилги 169-сонли Тавсия (қўшимча қоидалар) • Кичик ва ўрта корхоналарда иш ўринларини яратиш бўйича 1998 йилги 189-сонли Тавсия • Кооперативларни тарғиб қилиш бўйича 2002 йилги 193-сонли Тавсия
Муомала тенглиги	• Оилавий мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисидаги 1981 йилги 156-сонли Конвенция ва 165-сонли Тавсия • ОИВ / ОИТС бўйича 2010 йилги 200-сонли Тавсия
Бандлик барқарорлиги	• Меҳнат муносабатларини тугатиш тўғрисидаги 1982 йилги 158-сонли Конвенция
Касбий тайёргарлик	• Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича 1975 йилги 142-сонли Конвенция • Рекомендация 2004 года о развитии людских ресурсов (195)
Меҳнат шароитлари	• Тадбиркор тўловга ноқобил бўлган тақдирда меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1992 йилги 173-сонли Конвенция ва 180-сонли Тавсия • Ходимлар учун уй-жой қурилиши бўйича 1961 йилги 115-сонли Тавсия • Иш вақтини қисқартириш бўйича 1962 йилги 116-сонли Тавсия
Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси	• Ходимларни иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар туфайли юзага келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1977 йилги 148-сонли Конвенция ва 156-сонли Тавсия • 1981 йилдаги Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги Конвенцияга 2002 йилдаги Протоколи • Саноатда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисидаги 1985 йилги 161-сонли Конвенция ва 171-сонли Тавсия • Асбест тўғрисидаги 1986 йилги 162-сонли Конвенция ва 172-сонли Тавсия • Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 1988 йилги 167-сонли Конвенция ва 175-сонли Тавсия • Кимёвий моддалар тўғрисидаги 1990 йилги 170-сонли Конвенция ва 177-сонли Тавсия • Йирик саноат тармоқларида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича 1993 йилги 174-сонли Конвенция ва 181-сонли Тавсия

	• Конларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 1995 йилги 176-сонли Конвенция ва 183-сонли Тавсия • Қишлоқ хўжалигида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 2001 йилги 184-сонли Конвенция ва 192-сонли Тавсия • Радиациядан ҳимоя қилиш бўйича 1960 йилги 114-сонли Тавсия • Машиналарни ҳимоя воситалари билан жиҳозлаш бўйича 1963 йилги 118-сонли Тавсия • Бензол бўйича тавсия 1971 йилги 144-сонли Тавсия • Касбий саратон касаллиги бўйича 1974 йилги 147-сонли Тавсия • Касбий касалликлар рўйхати бўйича 2022 йилги 194-сонли Тавсия
Ижтимоий ҳимоя	• Ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари тўғрисида 1952 йилги 102-сонли Конвенция • Меҳнат жароҳати учун нафақалар тўғрисидаги 1964 йилги 121-сонли Конвенция [1980 йилда қайта кўриб чиқилган I-жадвал билан] • Тиббий ёрдам ва касаллик учун нафақалар тўғрисидаги 1969 йилги 130-сонли Конвенция ва 134-сонли Тавсия • Рекомендация 2012 года о минимальных уровнях социальной защиты (202) • Ижтимоий ҳимоянинг минимал даражалари бўйича 2012 йилги 202-сонли Тавсия
Директив актлар	• Меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 1947 йилги 81-сонли Конвенция • Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 1969 йилги 129-сонли Конвенция • Уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 1976 йилги 144-сонли Конвенция (халқаро меҳнат стандартлари)
Маҳаллий халқлар ва қабила халқлари	• Маҳаллий халқлари ва қабила халқлари тўғрисидаги 1989 йилги 169-сонли Конвенция
Ходимларнинг махсус тоифалари	• Плантациялар тўғрисидаги 1958 йилги 110-сонли Конвенция ва 110-сонли Тавсия • Денгиз кемачилигида меҳнат тўғрисидаги 2006 йилги Конвенция (тузатишлар билан)

С. ХМТнинг амалий қоидалар тўплами, қўлланмалари ва бошқа кўрсатмалари

ХМТ муайян масалаларни батафсилроқ кўриб чиқадиган амалий қоидалар тўпламлари, қўлланмалар ва бошқа кўрсатмалар ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжатлар рўйхати ва уларга ҳаволаларни ХМТнинг қўйидаги **Бизнесни қўллаб-қувватлаш хизмати** веб-саҳифасида топиш мумкин: www.ilo.org/business.

► II ИЛОВА

Операцион воситалар

1. Ёрдам¹

Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий кенгаши Кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларациясини (КМК Декларацияси) илгари суриш учун умумий масъулиятни ўз зиммасига олади. Маъмурий кенгаш ХМТга аъзо барча давлатлардаги ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари билан биргаликда ушбу Актни амалга оширишга қаратилган умумий стратегия ва унинг чора-тадбирларини мунтазам равишда кўриб чиқади.

а) Минтақавий амалга ошириш механизми²

Минтақавий амалга ошириш механизми минтақадаги ХМТга аъзо давлатларда КМК Декларациясини илгари суриш ва қўллаш бўйича минтақавий ҳисоботни тайёрлашни назарда тутди. Минтақавий ҳисоботлар асосан ушбу аъзо давлатларнинг ҳукуматлари, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотларидан олинган ва сўровнома асосида тайёрланган материалларга асосланади ва ХМТнинг минтақавий йиғилишлари давомида ўтказилган махсус йиғилиш минтақавий даражадаги хабардорликни ошириш бўйича уч томонлама мулоқот учун замин яратади. Минтақавий ҳисобот тўрт йиллик циклга асосланади ва ҳар бир ҳисобот ҳар бир цикл охирида кўриб чиқиш учун Маъмурий кенгашга тақдим этилади.

б) Декларацияни миллий даражада илгари суриш / уч томонлама иштирокчилар тайинланайдиган миллий координаторлар томонидан илгари суриш³

КМК Декларацияси тамойилларининг мамлакат даражасида инклюзив ўсиш ва муносиб меҳнатга таъсири ва ҳиссасини ошириш уч томонлама иштирокчилардан қатъий содиқликни талаб қилишини эътироф этган ҳолда, миллий иштирокчиларга - ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчиларга - КМК Декларацияси ва унинг тамойилларини миллий шароитда ўринли ва аҳамиятли бўлган ҳолларда қўллашга кўмаклашиш учун уч томонлама асосда миллий координаторларни тайинлаш тавсия этилади (144-сонли Конвенцияга мувофиқ).

Ушбу Декларация тамойилларига нисбатан шунга ўхшаш воситалар ва жараёнлар қўлланилганда, ҳукуматлар ижтимоий шерикларнинг иштирокини рағбатлантиришга даъват этилади. Миллий координаторларнинг КМК Декларацияси тамойилларини мамлакат даражасида қўллашни фаол рағбатлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳукумат вазирликлари ва идоралари, кўп миллатли корхоналар ва иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари ўртасида КМК Декларацияси тамойиллари тўғрисида хабардорликни ошириш, салоҳиятни ошириш тадбирларини ўтказиш ва иложи борица маҳаллий тилларда онлайн ахборот ва мулоқот платформаларини яратишни ўз ичига олиши мумкин. Ресурслари ёки имкониятлари чекланган миллий координаторлар ўз фаолиятлари доираси ва мазмунини изчил кенгайтиришлари мумкин.

Миллий координаторлар «трипартизм плюс» тамойили асосида мулоқот платформаларини ташкил қилишни хоҳлашлари мумкин, бу ерда уч томонлама иштирокчилар ва кўп миллатли корхоналар миллий миқёсда кўп миллатли корхоналар фаолияти билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишлари ва имкониятларни аниқлашлари мумкин.

Бундай мулоқотлар ўтган тажрибалар, олинган сабоқлар ва илғор амалиётларга асосланиши мумкин; улар, шунингдек, КМК Декларациясининг 12-бандида назарда

¹ Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан 317-сессияда (2013 йил март) ва 320-сессияда (2014 йил март) қабул қилинган.

² Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан 320-сессиясида (2014 йил март) қабул қилинган.

³ Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан 317-сессияда (2013 йил март) қабул қилинган ва 329-сессияда (2017 йил март) қайта кўриб чиқилган.

тутилганидек, кўп миллатли корхоналарнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакатлар ва мезбон мамлакатлар ўртасидаги мулоқотларни ўз ичига олиши мумкин.

Миллий координаторлар КМК Декларацияси тамойилларини тарғиб қилишга ва уч томонлама иштирокчилар учун шаффоф, очиқ ва масъулиятли мулоқотни ривожлантиришга интилишлари керак. Улар фикр алмашиш ва дунёда КМК Декларацияси тўғрисида хабардорликни ошириш учун бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблари билан мулоқот қилиш ва ҳамкорлик қилишга даъват этилади. Уларга Халқаро меҳнат бюросини (ХМБ) ўз фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиш тавсия этилади. ХМБ давлатларни миллий координаторларни тайинлашда ва КМК Декларациясини тарғиб қилиш ва мулоқотни осонлаштириш бўйича ўз фаолиятини ривожлантиришда қўллаб-қувватлайди.

с) Халқаро меҳнат бюросининг ёрдами

i) Техник ёрдам⁴

Ушбу Актни илгари суриш бўйича умумий стратегия ва унда кўзда тутилган ҳаракатлар мамлакат даражасида ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчиларга кўрсатиладиган ёрдамни ўз ичига олади.

ii) Ахборот ва тавсиялар⁵

КМК Декларацияси тамойилларини компанияларнинг фаолиятида қўллаш ёки тегишли халқаро меҳнат стандартларида мустаҳкамланган тамойиллар бўйича қўшимча маълумот ва тавсияларни ХМБнинг халқаро меҳнат стандартлари бўйича бизнесни қўллаб-қувватлаш хизматидан олишингиз мумкин.

Халқаро меҳнат бюросининг ушбу бепул ва махфий хизмати индивидуал саволларга жавоб беради ва мавзулар бўйича ташкил этилган ўз веб-сайтига эга; бу ерда компаниялар, касаба уюшмалари ва бошқа фойдаланувчилар КМК Декларацияси тамойилларини амалда қўллашга ёрдам берадиган маълумотлар, амалий воситалар, ўқув материаллари ва ҳаволалар, савол-жавоб бўлимларини топишлари мумкин.

www.ilo.org/business ва <mailto:assistance@ilo.org>

2. Компаниялар ва касаба уюшмалари ўртасидаги мулоқот⁶

Мулоқот КМК Декларациясининг асосини ташкил этишини тан олган ҳолда, ушбу тартиб-таомил кўп миллатли корхоналар ва таъсирланган ишчилар вакиллари, хусусан касаба уюшмалари, иштирокида КМК Декларацияси тамойилларини қўллаш бўйича мулоқотларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъминлайди. ХМТ халқаро меҳнат стандартлари бўйича нуфузли билим манбаи сифатида КМК Декларациясида назарда тутилган тамойилларни турли иштирокчилар томонидан қабул қилинишига кўмаклашиш бўйича умумий стратегиясининг бир қисми сифатида бундай мулоқотларни қўллаб-қувватлаш ёки ўтказишда кўмаклашиш учун ноёб имкониятларга эга.

Агар компания ва касаба уюшмаси учрашувлар ва музокаралар учун Халқаро меҳнат бюросининг хизматларидан фойдаланишга ихтиёрий равишда рози бўлсалар, ХМБ ўзаро манфаатли масалаларни муҳокама қилиш учун платформа яратади. Ушбу мақсадлар учун ХМБ малакали воситачилар рўйхатини тайёрлайди ва агар керак бўлса, уларни ўз вазифаларини самарали бажаришда қўллаб-қувватлайди.

ХМБ ва иштирокчилар мулоқот жараёнининг қатъий махфийлигини таъминлайди. Махфийлик билан боғлиқ масалалар иштирокчилар томонидан олдиндан келишиб олинади. Шу муносабат билан, ХМБ ХМТнинг иш берувчилар ва ишчилар гуруҳлари котибиятлари билан келишилган ҳолда мулоқот жараёнида иштирокчилар томонидан кўриб чиқиладиган махфийлик

⁴ Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан 317 (2013 йил март) ва 320 (2014 йил март) сессияларида қабул қилинган.

⁵ Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан 301 (2008 йил март) сессиясида қабул қилинган.

⁶ Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан 317 (2013 йил март) сессиясида қабул қилинган ва 329-сессиясида қайта кўриб чиқилган

мезонлари ва услубиётларини ишлаб чиқади.

Мулоқот иштирокчиларининг таркиби компания ва касаба уюшмаси томонидан белгиланади.

Сўровнинг хусусиятига қараб, ХМБ компания ва касаба уюшмаси ўртасида мулоқотни ташкил қилиш учун қуйидаги имкониятлар ва хизматларни тақдим этиши мумкин:

- a) томонларнинг мазмунли мулоқотда иштирок этишлари учун нейтрал платформани таъминлаш;
- b) компания ва касаба уюшмаси ўртасида мулоқот жараёнида техник маслаҳатчи ёки эксперт сифатида маслаҳат бериш;
- c) мулоқотни қўллаб-қувватлаш.

Компания ва касаба уюшмаси ўртасидаги мулоқот томонларнинг келишувига асосланади ва унинг мазмуни ҳеч қандай мажбурий тартиб-таомиллар учун ишлатилмаслиги керак.

ХМБ ишчилар ва иш берувчилар гуруҳлари котибиятларини жараён охирида унинг якунланганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

Ушбу тартиб-таомил ХМТнинг бизнесни қўллаб-қувватлаш хизмати, иш берувчилар ва ишчилар гуруҳлари котибиятлари ва миллий координаторлар томонидан ёки ХМТга аъзо давлатлардаги шунга ўхшаш воситалар ва жараёнлар орқали амалга оширилади.

3. Кўп миллатли корхоналар ва ижтимоий сиёсатга оид тамойилларнинг уч томонлама декларацияни қўллаш бўйича низоларни, унинг қоидаларини шарҳлаш орқали, ҳал қилиш тартиби (талқин қилиш тартиб-таомили)⁷

1. Тартиб-таомилни мақсади Декларация қоидалари тавсия этилган томонлар ўртасида бу қоидалар мазмуни бўйича ҳақиқий вазиятдан келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш учун зарур бўлганда Декларация қоидаларини шарҳлашдан иборат.
2. Ушбу тартиб-таомил ҳеч қандай тарзда мавжуд миллий ёки ХМТ тартиб-таомилларини такрорламайди ёки уларга зид келмайди. Шунинг учун уни қуйидаги ҳолларда қўллаш мумкин эмас:
 - a) миллий қонунчилик ва амалиётга нисбатан;
 - b) халқаро меҳнат конвенциялари ва тавсияларига нисбатан;
 - в) уюшмалар эркинлиги тартиби билан боғлиқ масалаларга нисбатан.

Юқоридагилар миллий қонунчилик ва амалиёт билан боғлиқ масалалар тегишли миллий органлар томонидан кўриб чиқирилиши кераклигини, халқаро меҳнат конвенциялари ва тавсиялари билан боғлиқ масалалар ХМТ Уставининг 19, 22, 24 ва 26-моддаларида назарда тутилган турли тартиб-қоидалар бўйича ёки норасмий талқин қилиш учун Халқаро меҳнат бюросига юбориладиган ҳукуматларнинг илтимосига биноан кўриб чиқирилиши кераклигини, уюшмалар эркинлиги билан боғлиқ масалалар ушбу мақсад учун алоҳида назарда тутилган ХМТ тартиб-таомиллари доирасида ҳал қилилиши кераклигини англатади.

3. Декларацияни талқин қилиш бўйича сўров олгандан сўнг, Халқаро меҳнат бюроси унинг олинганлигини тасдиқлайди ва Маъмурий кенгашнинг мансабдор шахсларига етказди. ХМБ ҳукуматга ва тегишли марказий иш берувчилар ва ишчилар ташкилотларига 5-пунктнинг (б) ва (с) кичик бандларда кўрсатилган ташкилотлардан биридан тўғридан-тўғри олинган ҳар қандай изоҳ сўрови тўғрисида хабар беради.

⁷ Маъмурий кенгаш томонидан 232-сессияда (1986 йил март) 214-сессияда (1980 йил ноябр) тасдиқланган тартиб-таомилнинг IV қисмини алмаштириш учун қабул қилинган ва 329-сессияда (2017 йил март) қайта кўриб чиқилган.

4. Маъмурий кенгашнинг мансабдор шахслари гуруҳлардаги маслаҳатлашувлардан сўнг амалдаги тартиб-таомил доирасида сўровнинг қабул қилиниши тўғрисида бир овоздан қарор қабул қиладилар. Агар улар келиша олмасалар, сўров Маъмурий кенгашга қарор қабул қилиш учун юборилади.
5. Изоҳ сўровларини ХМБга қуйидагилар юбориши мумкин:
 - а) қоида тариқасида, ўз ташаббуси билан ёки иш берувчилар ёки ишчиларнинг миллий ташкилотларидан бирининг илтимосига биноан аъзо давлат ҳукумати томонидан;
 - б) 6-бандда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда, миллий ва/ёки тармоқ даражасида эътиборли иш берувчилар ёки ишчиларнинг миллий ташкилоти томонидан. Бундай сўровлар одатда тегишли мамлакатдаги марказий ташкилотлар орқали юборилади;
 - с) эътиборли миллий филиали номидан халқаро иш берувчилар ёки ишчиларнинг ташкилоти томонидан.
6. 5-банднинг (б) ва (с) кичик бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар далиллар тақдим этилса, сўровлар қуйидаги ҳолларда тақдим этилиши мумкин:
 - а) тегишли ҳукумат ХМБга сўров юборишдан бош тортяпти, ёки
 - б) ташкилот ҳукуматга мурожаат қилганидан уч ой ўтгач, у ҳукумат ниятлари тўғрисида жавоб олмади.
7. Қабул қилинадиган сўровлар бўйича ХМБ Маъмурий кенгашнинг мансабдор шахслари билан маслаҳатлашувлар асосида дастлабки жавобни тайёрлайди. Бу ерда барча тегишли маълумот манбаларидан, шу жумладан тегишли мамлакат ҳукумати, иш берувчилари ва ишчиларининг маълумот манбаларидан фойдаланилади. Маъмурий кенгашнинг мансабдор шахслари ХМБдан маълумот тақдим этилиши керак бўлган даврни белгилашни сўрашлари мумкин.
8. Қабул қилинадиган сўровга дастлабки жавоб Маъмурий кенгаш томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.
9. Жавоб тасдиқлангандан сўнг, у манфаатдор томонларга юборилади ва *Расмий бюллетенда* – Халқаро меҳнат бюросининг расмий бюллетенида чоп этилади.

